

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни махсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича

№ 30 сонли ШАРТНОМА

Олтириқ тумани

2021 йил 07.12.2021

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи YUSUFOV Zohid Trade LLC биринчи томон ва иккинчи (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари З. Юсуфов томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Харидор номидан (кейинги «Харидор» деб аталади) раҳбари У. Саъдиев ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Сотувчи» «Харидор»га куйидаги махсулотларни етказиб беради:
1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **144 252 700 (Бир юз кирк тўрт миллион икки юз эллик икки минг етти юз) сўм** (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.
1.3. Махсулотлар 2021 йил жорий ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

	Махсулот номи ва тури	Ўл/бир	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Планшет Samsung Galaxy Tab S7 128 gb	Дона	2	7 646 350	15 292 700
2	Планшет Samsung Galaxy Tab S6 Lite 10.4 SM P615 64 gb	Дона	26	4 960 000	128 960 000
3					
4					
5					144 252 700
	Жами				

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Олинган махсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун ҳисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.
2.2. «Харидор» олдидан 30 % микдорида туловни амалга оширади ҳамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида «Сотувчи» махсулотни етказиб бергандан сўнг, ечет-фактураларга асосан, етказиб берилган махсулот қиймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдидан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.
2.3. Махсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

3. Махсулот етказиб бериш:

- 3.1. «Сотувчи» шартномада белгиланган махсулотларни келишилган тақсимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни 5 (беш) кунда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

4. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 4.1. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва ҳоказолар) ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига қаноат беради ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қозғоли кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қозғолида кўрсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч қозғолида белгиланган микдоридан ортиқ берган ҳолларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли даъволатнома орқали расмийлаштирилади.
4.3. «Сотувчи» етказиб бераётган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

5. Жарималар қўлланилиши

- 5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчилиқда белгиланган тартибда ундириб олинади.
5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддатида етказилмаган махсулотларни умумий қийматини 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган кун учун «Харидор»га жарима тўлайди.
5.3. Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган махсулот қийматидан «Харидор» томонидан 0.4 % микдорида «Сотувчи»га пеня тўланади.
5.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. Форс-мажор

- 6.1. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бўзилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

7. Шартнома муддати

- 7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг қучга қиради.

- 7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 31-Декабр. Маълум сабабларга қўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 7.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- «Сотувчи» томондан ўзаро ёзма келишувига асосан;
 - «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли ҳулоса олинганда;
 - «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;
 - бюджетдан маблаг олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайтириши ёки қўпайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

8. Қўшимча шартлар.

- Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунарига асосан Хужалик судлари орқали хал қилинади.
- Шартнома икки нусxada тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.
- Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиқланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.
- Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.
- «Сотувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат «Харидор»га тақдим этади.
- Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли газначилик бўлимида рўйхатдан* ўтказилгандан сўнг амалга киритилади

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Сотувчи»

“Yusupov Zoxid Trade” х/к

(товар етказиб берувчининг номи)

Манзил: Олтиарик тумани Ўзбекистон қучаси

Тел./факс: +99890-560-19-90

Х/Р: 20208000905366253001

Банк номи: Халк банк Фаргона филиали

МФО 00796 СТИР: :308334163

ОКОНХ



Раҳбар

Юсупов
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

«Харидор»

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил:

Тел./факс

ш/хр:

бюджетдан маблаг олувчи СТИР:

ОКОНХ:

Газначилик: _____ туман Газначилиги

Газна х/в _____

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент

МФО _____

Газначилик СТИР: _____



Раҳбар

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

Хуқуқий ҳулоса

Мен ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

(Signature)

(Signature)